

Махфузахон Абдуманноб кизи  
ЖАЛОЛДИНОВА,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
таянч докторант  
[M.Jaloldinova1995@gmail.com](mailto:M.Jaloldinova1995@gmail.com)

## ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА АЁЛЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

### ОСНОВЫ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ ЖЕНЩИН В ИСЛАМСКОМ ПРАВЕ

### FUNDAMENTALS OF SOCIAL PROTECTION OF WOMEN IN ISLAMIC LAW

**Аннотация:** Ушбу мақолада аёлларнинг ижтимоий ҳимоя қилишининг фикҳий жиҳатдан асослари, далиллари, ҳукмлари ва ўзига хос хусусиятлари келтирилган. Аёлларни ижтимоий муҳофаза қилиш асослари ҳисобланган маҳр, нафақа ва мерос сингари масалаларига алоҳида урғу берилган. Шунингдек, аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш каби жиҳатлар ислом ҳуқуқида келиши кўрсатилиб таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Ислам ҳуқуқи, Қуръон, суннат, аёллар, ижтимоий ҳимоя, қонунлар, қарорлар, фармонлар, оят, ҳадис.

**Аннотация:** В статье представлены юридические основы, аргументы, постановления и особенности социальной защиты женщин. Особое внимание было уделено таким вопросам, как приданое, пенсии и наследование, которые являются основой социальной защиты женщин. В нем также анализируется роль женщин в обществе, их всесторонняя поддержка и положения исламского права.

**Ключевые слова:** исламский закон, Коран, сунна, женщины, социальная защита, законы, указы, аяты, хадисы.

**Annotation:** This article presents the jurisprudential foundations, arguments, rulings, and specific features of women's social protection. Special emphasis was placed on issues such as dowry, pensions and inheritance, which are the foundations of women's social protection. It also analyzes the role of women in

society, their comprehensive support, and the statement from Islamic law.

**Keywords:** Islamic law, Qur'an, sunnah, women, social protection, laws, decrees, decrees, verse, hadith.

### КИРИШ

Аёл миллат тарбиячиси, оила таянчи, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади. Ислам таълимотида ҳам аёлга ўзгача бир юксак эҳтиром муносабати билдирилган. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, арабларнинг жоҳилият давридан сўнг ислом аёлнинг мақомини кўтарди, эркаклар билан бир хил ҳақ-ҳуқуқларга эга эканлигини кўрсатди. Нафақат аёлнинг жамиятда, оилада ўз ўрнини белгилаб берди, балки моддий-маънавий ҳақлари, унинг ижтимоий ҳимояси ва таъминоти бўйича риоясини ҳам кўрсатиб берди.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Ислам ҳуқуқининг биринчи манбаси ҳисобланган Қуръони каримда оилавий муносабатларни тартибга солишга алоқадор бўлган 70 га яқин ҳуқуқий оятлар мавжудлиги тадқиқотчилар томонидан таъкидланган. Булар асосан Мадинада нозил бўлган суралардаги оятлардир. Улар “Бақара” сурасининг 28, 83, 215, 221-223, 226-237, 240-241, “Нисо” сурасининг 3-4, 19, 25, 34-35, 128-130, “Моид” сурасининг 5, “Анъом” сурасининг 151, “Раъд” сурасининг 25, “Наҳл” сурасининг 90, “Исро” сурасининг 23, 24, 26, “Нур” сурасининг 32-33, “Анкабут” сурасининг 8, “Рум” сурасининг 21, “Аҳкоф” сурасининг 15-17, “Лукмон” сурасининг 14-15, “Аҳзоб” сурасининг 4, 6, 36-38, 49-53, “Муҳаммад” сурасининг 22, 23, “Мужодала” сурасининг 1-4, “Мумтаҳана” сурасининг 10-11, “Талок” сурасининг 1-7, “Таҳрим” сурасининг 1-5 оятларидир. Ушбу оятларда оила қуриш, никоҳ, маҳр, талок, идда, бола эмизиш масалалари, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, бошқа қариндошлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишчи қоидалар белгилаб берилган. [1:44] Бундан шунинг билишимиз мумкинки, ислом ҳуқуқининг асосий манбаси ҳисобланган аёлларнинг ҳуқуқлари, ҳоссатан уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва таъминоти кафолатланган. Бу эса аёлларни исломда юксак қадрланишини кўрсатади.

Хусусан, Нисо сураси 1-оятда шундай дейилади:

يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ  
وَخَلَقَ مِنْهَا زَوْجَهَا وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً...

“Эй, одамлар! Сизларни бир жон (Одам)дан яратган ва ундан жуфти (Хавво) ни яратган ҳамда иккисидан кўп эркак ва аёлларни таратган Раббингиздан кўркингиз!...” (Нисо сураси 1-оят). [2:77] Бу оятда барча инсонлар, жинсидан қатъий назар, тенг эканини ва уларни бир жондан яратганини баён қилинади. Исломда аёллар ва эркаклар Аллоҳ таоло олдида банда сифатида тенг эканлигинини ҳам кўрсатиб беради.

Шунингдек, Исро сураси 70-оятда қуйидагича дейилади:

وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ...

“Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик...” (Исро сураси 70-оят). [2:289] Ушбу ояти қарисада эса инсонни яратилиши ва бошқа жонзотлардан мукаррам қилингани, бу мукаррамликда аёл ҳам эркакка шериклиги алоҳида таъкидланган.

Юқорида келтирилган оятлардан кўриниб турибдики, эркаклар ва аёллар инсон сифатида яратилган, ўзаро бу жиҳатдан тенг ҳисобланади. Уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва бурчлари бор. Аёлларнинг ўзига хос қилиб яратилгани ҳам унга тегишли бўлган ҳуқуқларида ҳам ўз аксини топган. Аёллар ислом динида она, опа-сингил, жуфти ҳалол ва қиз сифатида ҳурматланади ва ушбу мақомлари борасидаги ҳақларини аниқ кўрсатиб берган. Улар мерос олади ва мерос қолдиради, никоҳда розилиги сўралади. Улар доим эркак қариндошлари таъминоти остида бўлишади. Қуръони каримнинг ўндан ортиқ сураларида ва кўплаб ҳадиси шарифларда аёлларга тегишли ҳуқуқлар мавжуд. Жумладан, аёллар ҳақида “Нисо” (“Аёллар”) деб номланган сура ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси ислом динида аёлларга бўлган юксак эътибордир.

Ҳадиси шарифлардан бирида яратилиш жиҳатидан эркак ва аёлнинг асли бирлиги ҳақида шундай дейилади:

رواه الامام أبو داود عن عائشة رضي الله عنها  
إِنَّمَا النِّسَاءُ شَقَائِقُ الرِّجَالِ

“Албатта, аёллар – эркакларнинг туғишганлари” (Имом Абу Довуд ривояти).

Тадқиқотчи олима Н.Юсупованинг келтиришича, ислом ҳуқуқи манбалари

оилавий муносабатлар – никоҳни ҳуқуқий жиҳатдан ўзаро тенг субъектларнинг иттифоқи эканлигини таъкидлайди. Бунда тенглик ҳуқуқ ва бурчларнинг бир хиллиги сифатида эмас, балки келиб чиқиши ва қадр-қиммат жиҳатидан Аллоҳ олдида тенглиги, аёл ва эркакнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган бир-биридан фарқ қиладиган мажбуриятлар сифатида гавдаланади. Қуръони каримнинг кўплаб оятларида эркак ва аёл муносабатларида қуйидаги жиҳатларга алоҳида урғу берилади:

- Аллоҳнинг олдида аёл ва эркакнинг тенглиги.

- Аллоҳнинг аёл ва эркакка бир хилда ғамхўрлик қилиши.

- Аллоҳ учун қилган яхши, савобли амаллари учун бериладиган ажр (мукофотнинг) тенглиги. [1:34]

Шунингдек оилавий муносабатларнинг ўзига хослиги яна бир адабиётда аёлларнинг эркаклар билан ўзаро тенглик жиҳатларини оилада томонлардан келиб чиқадиган бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятларда тенглиги, бу эса оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги таъминланади.

Ислом ҳуқуқининг иккинчи манбаси сунна ҳисобланади. Тадқиқ қилинган адабиётларда келтирилишича, оилавий муносабатларни тартибга солувчи ҳадислар сони икки юздан ортиқ бўлиб, уларда аёлларга тегишли бўлган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳам келган. Хусусан, никоҳ шартлари ва уни қайд қилиш тартиби, гувоҳлар, маҳр ва унинг миқдори, тўй маросими, эр-хотин ўртасидаги муносабатлар, аёлини моддий жиҳатдан таъминлаши, никоҳни тугатиш асослари, тугатилган никоҳни тиклаш тартиби, идда ва унинг муддатлари, нафақа, ҳомийлик ва бола тарбияси ва ҳоказолар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қоидалар ўз аксини топган. [3:46-47]

Аёлларнинг барча ҳуқуқлари ислом ҳуқуқининг асосий манбалари ҳисобланган Куръон ва суннатда аниқ келтирилган. Набавий ҳадисларида оятларни шарҳлари ва уларда келмай қолган масалалар ўрин олган. Боиси, ҳадис Куръон оятларини шарҳлайди ва ундаги маъноларни очиб беради.

Аёлларининг деярли барча ҳақ-ҳуқуқлари оилавий муносабатларда намоён бўлади. Ислom ҳуқуқига кўра, эр ва хотин ўртасидаги мулкӣ муносабатларни асосан маҳр, нафақа ва мерос масалаларида намоён булади. Ушбу мулкӣ муносабатлар аёлларни ижтимоӣ ҳимоясини таъминлаб беради. Агар аёлларнинг мана шу ҳақлари ўз ўрнида адо қилинса, уларнинг ижтимоӣ таъминотлари амалга оширилган ҳисобланади. Қуйида эса маҳр, мерос, нафақа борасидаги ҳуқуқлари келтирилади.

Ислom ҳуқуқшунослиги дарслигида маҳрга шундай таъриф берилди: маҳр- бу аёл эрнинг таклифини қабул қилгани эвазига унга бериладиган моддий бойликдан иборат.

Қуръонда маҳр ҳақида Нисo сураси 4-оятда шундай келтирилади: **«Хотинларга маҳрларини мамнунлик билан берингиз! Агар сизларга ўзлари ундан бирор нарсани ихтиёрий равишда кечса (берса)лар, сизлар уни бемалол, иштаҳа билан тановул қилаверингиз».** [2:77] Ушбу оятда Маҳр мамнуният билан ҳадя қилиниши, у аёлнинг ҳаққи экани ва агар ихтиёр этса бир қисмини эрига бериши ёки бермаслик мумкинлиги келтирилган.

Маҳр бериш қоидаси ҳозирги замон мусулмон давлатларида никоҳ ҳадяси сифатида сақланган. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган ислом ҳуқуқидаги маҳр билан одат ҳуқуқидаги қалин тўлаш ўртасида катта фарқ бор. Чунки маҳр аёлнинг ўзига берилиб, унинг шахсий мулкига айланса, одат ҳуқуқидаги қалинда маблағ қизнинг ота-онасига берилади. Маҳрнинг энг миқдори «Ҳидоя» китобида ўн дирҳам яъни бир сўм қирқ тийн қумуш миқдорида белгиланган.

Агар эр-хотин маҳрни белгилашда келишиб олишса ва миқдори тўғрисида келишмовчиликлар бўлса, ишни ҳал қилиш маҳри мислга асосланади. [4:205]

### Маҳрдан келиб чиқадиган аёлнинг ҳуқуқлари:

- маҳрнинг ҳаммаси аёлнинг мулкӣ ҳисобланади. У ўзи хоҳлаганича тасарруф қилади;

- маҳрни олдиндан олиши ёки олишни орқага суриб қўйиш мумкин. Бериш муддати узокми яқинми барибир, муддатни аниқ белгилаш керак;

- маҳрни олмагани учун аёл асосий хотинлик вазифасини бажармаслиги мумкин;

- эр маҳрнинг бошланғич қисмини бера олмаса, аёл никоҳни бузишни талаб қилишга ҳақли бўлади. [3:9]

Ислom ҳуқуқида аёлларнинг туғилганидан то вафот этгунича бутун умри давомида бўладиган энг асосий ҳақларидан бири бу- нафақа ҳисобланади. Ушбу ҳақ барча аёлларни туғилишидан то вафотига қадар таъминланиши тартиблари ва ҳукмлари аниқ кўрсатиб берилган.

“Ҳидоя”да: “нафақа - ҳаётни таъминлаш учун зарур бўладиган барча нарсалар: озиқ- овқат, кийим ва турар жойни англатади. Лекин кўпчилик бу сўзни озиқ-овқат маъносида қўллашади” дейилган. [5:383]

Шунингдек, нафақа сўзи луғатда “яхшилиққа маблағ чиқариш” маъносини англатади. Шариатда эса, ўз қарамоғидаги шахсни етарли кийим, таом ва маскан билан таъминлашдир. [6:516] Нафақа сўзи яна «сарфлаш» маъносида ишлатилиб, ислом ҳуқуқида кишининг хотини, болалари, ота-онасини моддий эҳтиёжлар – озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой билан таъминлаши тушунилади. [7:118]

Нафақа терминида доктор Ваҳба Зухайлий янада кенгроқ таърифни берган: нафақа инфок сўзидан олинган бўлиб, фақат яхшилиқ учун ишлатиладиган харажатдир. Луғатда кишининг оиласига қиладиган сарфи, шаръий истилоҳда эса етарли таом, кийим ва турар-жой билан таъминлаш тушунилади. Одатда нафақа деганда, асосан, таом назарда тугилади. Таом ўз ичига нон ва унга қўшимча нарсалар, ичимликни олади. Кийим деганда қўйлак ва ёпинчикни, турар жой эса яшаш шароити мавжуд, жиҳозлар ва тозалик буюмлари, шунингдек, агар одатда хизматчи меҳнатидан фойдаланса, хизматкор

билан таъминланган маскан тушунилади. [8:7347] Демак, нафақа ҳам моддий нарсани, ҳам у билан таъминлаш жараёнини кенг миқёсда ифодалайди. Олимнинг нафақага берган ушбу таърифи унинг амалда қандай бўлиши ва ижро этилишини кўрсатиб беради.

Ислом тарихида ҳам аёлларнинг таъминотининг амалдаги ижроси борасида гўзал ўрнак бўлган кўплаб мисоллар келтирилган. Масалан, адолатли халифа Умар р.а. даврида камбағал аёлларнинг таъминоти борасида кўплаб воқеалар бўлган. Бу ҳақида замонамизнинг етук алломаларидан бири ҳисобланган М.Муҳаммад Юсуфнинг Ислом тарихи китобида қуйидагича маълумот келтирилади:

Абу Убайд қуйидагича ривоят қилади: “... Кундуз куни Умар бир дарахт остида ухлаб ётар эди. Бир аъробий аёл келиб, одамларга аланглаб қаради-да, унинг (Умарнинг) олдида келиб: “Мен бир мискина аёлман. Менинг болаларим бор. Мўминларнинг амири Умар ибн Хаттоб бизга Муҳаммад ибн Масламани закотчи қилиб юборди. У бизга ҳеч нарса бермади. Аллоҳ хайрингни берсин, сен бизга шафоатчилик қилсанг”, деди. Шунда Умар р.а. ўша закотчини чақиртиради ва ҳақини олиб беради. Кейин аёлни чақириб бир туя, ун ва ёғ берди-да: “Буни олгин-да, бизга Хайбарда яна учрагин, биз ўша ерга бормоқчимиз”, деди. Аёл Хайбарда унинг олдида келди. Халифа унга икки туя берди ва “буни ол, Муҳаммад ибн Маслама келгунича сенга етиб туради. Мен уни сенинг шу ва ўтган йилга ҳаққингни беришга амр қилдим”, деди”. [9:437-438]

Аёлларга бериладиган ушбу нафақа институти амалга жорий этилиши ва аёлнинг бутун умри давомида амалга оширилиши ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг мустаҳкам пойдевори ва кафолатли тизими ҳисобланади. Албатта бу ҳолат аёлларнинг эркаклардан фарқли равишда ўзига хос қилиб яратилгани сабабидан дея характерланади.

Аёл киши дунёга келиши билан унинг таъминоти отасининг зиммасига юкланади. Бу ислом таълимотида юксак шарафли вазифа сифатида эътироф этилади ва ибодат даражасида ҳисобланади. Ҳадисларда яна қиз фарзандларни чиройли таъминот қилиш, тарбиялаб, турмушга

узатиш жаннатдаги олий мартабаларга сабаб бўлиши алоҳида таъкидланган:

مَنْ عَالَ ابْنَتَيْنِ أَوْ ثَلَاثًا، أَوْ أُخْتَيْنِ أَوْ ثَلَاثًا، حَتَّى يَبْنَ أَوْ يَمُوتَ عَنْهُنَّ كُنْتُ أَنَا وَهُوَ فِي الْجَنَّةِ كَهَاتَيْنِ — وَأَشَارَ بِإصْبَعِهِ الْأُسْطَى وَالَّتِي تَلِيهَا

رواه الامام ابن ماجه عن أنس رضي الله عنه

“**Ким икки-уч қиз ёки сингилни (ғамхўрлик қилиб) тарбияласа ва улар ундан ажралсалар (яъни, турмушга чикиб кетсалар) ёки ўша кишининг ўзи вафот этса, мен ва у жаннатда мана шундай бўламиз** (деб, ўрта ва кўрсатгич бармоқларига ишора қилдилар)” (Имом Ибн Можа ривояти).

Видолашув ҳажларидаги машхур хутбада ҳам, аёлларга нисбатан яхши муносабатда бўлиш таъкидланган. Дарҳақиқат, Ислом таълимотида ўз аёлларига нисбатан яхши муносабатда бўлган эркакларни инсонларнинг энг яхшилари қаторига ҳисобланади.

رواه الامام(خَيْرُكُمْ خَيْرُكُمْ لِأَهْلِهِ، وَأَنَا خَيْرُكُمْ لِأَهْلِي (الترمذي عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنهما

“**Яхшиларингиз – оила аҳлига яхши бўлгандир. Мен – аҳли аёлига энг яхшиингизман**” (Имом Термизий ривоятлари).

Яна бир ҳадиси шарифда ҳам шу мазмунда келган.

أَكْمَلُ الْمُؤْمِنِينَ إِيمَانًا أَحْسَنُهُمْ خُلُقًا، وَخَيْرُكُمْ خَيْرُكُمْ لِنِسَائِهِمْ

“**Мўминларни имон жиҳатидан комилроғи хулқи яхшироғидир. Сизларнинг энг яхшиларингиз – аҳли аёлига яхшилик қиладиганингиздир**” (Имом Термизий ривояти). [10:125]

Ҳаким ибн Муовия разияллоху анху Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи васалламга “Эй Аллоҳнинг Расули, бизда хотинларимизнинг нима ҳақи бор?” деб сўраганларида, У зот шундай дедилар:

أَنْ تُطْعِمَهَا إِذَا طَعِمْتَ وَتَكْسُوَهَا إِذَا اكْتَسَيْتَ أَوْ اكْتَسَبْتَ» وَلَا تَضْرِبَ الْوَجْهَ وَلَا تَقْبِخْ «وَلَا تَهْجُرْ إِلَّا فِي الْبَيْتِ

“**Қачон таомлансанг, уни ҳам таомлантирасан. Қачон кийим кийсанг, уни ҳам кийинтирасан. Юзига урмайсан, ҳақоратламайсан ва бир хонадан бошқа жойда ётогингни алоҳида қилмайсан**” (Имом Абу Довуд ривояти).

Имом Бухорийдан ривоят қилинган яна бир ҳадисда шундай дейилади: “... Аллоҳнинг

важҳини (розилигини) истаб қандай нафақа қилма, бунинг учун сенга албатта ажр берилади, ҳатто аёлингнинг оғзига солган луқманг учун ҳам”. [10:125] Шуъбадан ривоят қилинади: Набий а.с. “ Қачон киши ўз аҳлига савоб умидида нафақа қилган бўлса, унинг учун садақадир”. [11:287]

Қиз бола отасининг қўлида вояга етиб, турмушга чикгач умр йўлдошининг қарамоғига ўтади ва унинг таъминоти бўйнига юкланади. Эрга аёлининг нафақаси вожиб ҳисобланади. Нафақат моддий жиҳатдан, балки маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши, гўзал муносабатда бўлиш лозимлиги буюрилган. Шу билан бирга бу амалларга катта ажрлар берилиши оят ва ҳадисларда алоҳида таъкидланган.

Машхур фақиҳлардан бири Қудурийнинг айтишича, хотиннинг нафақаси аёлининг эътиқодидан қатъий назар эрнинг зиммасига вожиб ҳисобланади. Бу нафақанинг ичига аёлнинг нафақаси, кийим кечага ва яшаш жойи билан таъминлаш кабилар кириши келтирилган. Эрнинг зиммасига таъминотнинг юкланганига далил “Бой-бадавлат киши ўз бойлигидан (яъни бойлигига ярашадиган) нафақа берсин” деган ояти (Талок 7) ва яна “Уларни (яъни оналарни) яхшилик билан едириш-кийдириш отанинг зиммасидадир” (Бақара 233) оятларидир. [12:442] Шариятда аёл киши нафақасининг аниқ миқдори кўрсатилмаган, балки у урфга кўра белгиланган. Ҳар ким урфни лозим топиб беради. [13:67]

Шунингдек, аёлни нафақа билан таъминлаш эр-хотиннинг моддий жиҳатдан ҳолатлари эътиборга олинади. Бу ҳақида “Ҳидоя” шарҳ бидоятил мубтади” китобининг II жилдида Бурҳониддин Марғиновий айтадики, таъминот борасида эр-хотин ҳолатларини эътиборга олиш Аҳмад ал-Хассоф танлови бўлиб, шундай фатво берилган. Уларнинг бу фатвоси агар эр-хотин бадавлат бўлсалар, аёлга бадавлатларга муносиб нафақа бериш, агар камбағал бўлсалар, аёлга камбағалнинг нафақаси юкланиши билан изоҳланади. Бунга зид бўлган жиҳати яъни хотин камбағал, эр бой бўлса, хотинга бойларнинг нафақасидан камроқ, камбағаллар нафақасидан кўпроқ нафақа тайинлаш лозимлиги баён қилинган. Яна нафақа белгиланишида Кархий “Эрнинг

ҳолати эътиборга олинаши”ни Шофеъий р.х. ҳам айтган дея сўзини қувватлайди. Бунга “Бой-бадавлат киши ўз бойлигидан (яъни бойлигига ярашадиган) нафақа берсин” оятини далил қилиб келтиради. Агар аёл эрининг уйида касал бўлиб қолса, эри унга нафақа бериши лозимлиги ҳам алоҳида таъкидланган.

Ислом ҳуқуқида аёлларнинг яна бир энг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланган мерос олиш ҳуқуқи таъминлаб берилган ва унинг ўз тартиблари ишлаб чиқилган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мерос масаласи жуда муҳим ижтимоий масалалардан бири ҳисобланади. Албатта бу жиҳат ҳам аёлларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминловчи муҳим омиллардан ҳисобланади.

Маълумки, мерос масаласи энг нозик ва дақиқ саналиб, уни адолатли тақсимлаш асосий меъзон ҳисобланади. Ислом таълимоти аёл кишининг ҳам меросхўр эканлигини эълон қилди. Бу Қуръонда Нисо сураси 7-оятда келтирилган: **«Аёллар учун (ҳам) ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кетган (мерос)дан улуш бордир. Бу озми кўпми фарз қилинган улушдир»**. [2:78]

Ислом ҳуқуқи меросда қиз боланинг ҳаққини ўғил ҳаққининг ярми қилиб, белгилади. Нисо сурасининг 11 оятида бу ҳақда шундай дейилади. **«Аллоҳ фарзандларингизга (мерос юзасидан) бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида (мерос беришни) васият қилади. Агар (меросхўрлар) иккидан ортиқ аёл бўлса, уларга (марҳум) қолдирган нарсанинг учдан иккиси, агар якка қиз бўлса, унга (мероснинг) ярми (тегур)...»**. Оятга кўра, меросни тақсимлаш масаласида ислом таълимотида эркакга аёлга нисбатан икки ҳисса берилиши кераклиги таъкидланади. Бундан назарда тутилаётган нарсаси, баъзан таъкидланганидек, «...шариат қонунлари бу ерда ҳам эркак ва аёл, эр ва хотин ўртасида тенгсизликни ўрнатиб...», аёл ҳуқуқларининг камситилиши эмас. Бундан шундай ҳикматни англаш мумкинки, ўғилнинг вазифаси уйланиш, хотинига маҳр тўлаш, сўнгра уни овқат, кийим, яшаш жойи билан таъминлаш, шунингдек, болаларини боқиши ва оилавий ҳаёт талабларини амалга ошириши ҳам унинг зиммасидадир. Аммо аёл эркакдан фарқли ўлароқ ўзига тегишли меросни фақат ўзи

учун сарфлайди. Бундан ташкари аёл турмушга чиқадиган бўлса, эридан маҳр олади, унинг таъминоти ҳам эрининг зиммасидадир. Шаръий ҳукмларда шу нарса кўринадик, ўғилнинг моли ўзининг зиммасидаги вазифаларни бажариш учун сарф бўлади, унинг камайиб бориш эҳтимоли бор. Қиз эса ўзига тегишли меросни ўз хоҳишича ишлатади. [3:33]

### ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, аёлларни ижтимоий муҳофазаси ва таъминоти ислом ҳуқуқида алоҳида ўрин тутиб, унинг барча мезонлари келтирилган. Улар фикҳнинг бош манбалари ҳисобланган Қуръон ва сунна асосида ишлаб чиқилган. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, ислом ҳуқуқида аёлларнинг ижтимоий ҳимояси бутун умри давомида кафолатлангандир.

Аёлларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хоссатан уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Зеро аёлларимиз жамиятнинг, оиланинг асосий қатлами бўлиб, баркамол авлодни вояга етказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Уларга бўлган бу муносабат эртанги авлод келажаги учун заминдир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Юсупова Н. Ислам ҳуқуқида никоҳ ва оилавий муносабатларнинг тарихий-назарий асослари. ЎзХИА. –Т.: 2019.
2. Мансур А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. ТИУ. –Т.: 2004. (бундан кейин: А.Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири.)
3. Юсупова Н. Ислам ҳуқуқида кўра оилавий муносабатларда мулк муносабатлар. ТИУ. –Т.: 2011.
4. Erol A. Karşılaştırmalı İslâm milletlerarası Özel hukukı. İz yayıncılık: –İ.: 2013.
5. Хидоя: Комментарии мусульманского права. – Т.: Ўзбекистон. 1994.
6. Муҳаммад Юсуф. Кифоя II китоб. – Т.: Шарқ. 2008.
7. Юсупова Н.Ж. Исламда аёл ҳуқуқлари. –Т.: Академия. 2006.
8. Шайх Ваҳба Зухайлий. Ал-фикҳул исламий ва адиллатуху. 10-жуз. – Дамашк: Даарул фикр. 2005.
9. Муҳаммад Юсуф. Ислам тарихи. –Т.: Ҳилол. 2017.
10. Усманий М. Енгил амаллар. Ғ.Ғулом нашриёти. –Т.: 2018.
11. Муҳаммад Юсуф. Яхшилик ва силаи раҳм. Шарқ. –Т.: 2009.
12. Марғиновий Б. “Ҳидоя” шарҳ бидоятил мубтади II жилд. –Т.: Ҳилол нашр. 2020.
13. Ҳайдаров М. Ал-аҳвол аш-шахсий байнаш шарияти вал қонунул узбакий аълол мазҳабил ҳанайий: ан-никаҳ - ат-талоқ. Ал-мактабатул азҳарийя лит туруқ. –Қ.: 2020.